АДОЛАТ КУЧЛИ, КУЧ ЭСА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Адолат

Ўзбекистон «Адолат» социал - демократик партиясининг газетаси

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

1995 йил, 26 август, № 21

Шанба кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

• Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

Истиқлоли нурбахш, яшнар ҳар қаҳон, Келажаги буюк ҳур Ўзбекистон!

Бугунги сонда

2-бет
• Улуғбек Билл Клинтон билан суҳбатлашди
• Оламда нима гап?
3-бет
• Ёнғин
• ЎзТВ, ҚозТВ ва РосТВ да кўринг...
4-бет
• Порахўрлар жиловланмоқда
• Спорт. Теннис бўйича Президент кубоги
• Ажаб савдолар • Реклама

• Хушхабарлар

ТЎЁНА

• Ватанимиз мустақиллиги тўрт йиллигининг асосий тантаналари ўтадиган пойтахтимизда байрамни биз билан бирга хорижлик меҳмонлар ҳам нишонлайди. Зеро, қутлуг тўй кунлари Тошкентда Республика Президенти кубоги учун теннис бўйича халқаро турнир ҳамда биринчи Марказий Осиё ўйинлари ўтказилади.

Юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар эътиборини байрамга атаб тайёрланаётган совғасаломлар — сўзана, чуст ва ироқи дўппилар, гиламлар, миллий пичоқлар, сопол буюмлар ўзига жалб этиши шубҳасиз. Шу мақсадда «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси, Тошкентдаги «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти, Бухородаги зардўзлик фабрикаси жамоалари ана шундай буюмлар тайёрламоқда. Самарқанд электромеханика заводи байрамга атаб олти хил нишон тайёрлади. Риштондаги кулолчилик, Чуст миллий пичоқлар заводлари, «Файз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Тошинтерм» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган сопол буюмлар, патнис ва тақсимчалар, хилма-хил қандолат маҳсулотлари ҳам байрам ярмаркаларини безайди.

ТУҲФА

• Бувайда туманидаги 101-қурувчилар жамоаси болаларга байрам совғаси тайёрлади: Оққўрғон қишлоғида 450 ўринли мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Унда ўқувчиларнинг билим олиши учун барча шароит муҳайё, компьютерлар ўрнатилган. Бугина эмас. Тумандаги «Оққўрғон» жамоа хўжалиги мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун ўз ҳисобидан ўқув кийими билан бепул таъминлашга қарор қилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси эса 1-синф ўқувчиларига ана шундай имтиёз яратди.

Мактабни фойдаланишга топшириш маросимида республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев сўзга чиқди.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ»

• Бухорода шу шиор остида республика мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган шаҳар ва туманлар кунларини ўтказиш бошланди. Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ, ҳар ҳафта охирида Шаҳристон майдонида ва «Бухоро» кинотеатри олдида қишлоқ хўжалик ва саноат меҳнаткашлари ютуқларининг ўзига хос кўриги ўтказилмоқда.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ...

• «Наманган-Аснам» узбек-турк қўшма ип-йигирув фабрикасида асосий машиналар ўрнатиб бўлинди. У, ишга тушгач, уч сменада 1420 киши узлуксиз ишлайди. Йилига 3200 тонна ип йигиради. Ҳозиргача бу ерда 30 та йигирув, 6 та пилталаш, 2 та пиликларни бирлаштирувчи дубляж машинаси, 5 та тароқли тараш, 16 та тараш, 1 та титиш-саваш агрегати ўрнатилди.

Қўшма корхонанинг дастлабки маҳсулоти Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги байрам қилинаётган кунларда олинади.

«ЎЗБЕКИСТОН БАҲОРИ»

Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида мустақиллик кунининг 4 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон баҳори» фильми яратилди.

Фильм муқаддимасида Ал Хоразмий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда Турон замида улуғвор давлат яратган соҳибқирон Амир Темур сиймолари тавдалантирилган. Бу буюк зотлар диёримизнинг порлоқ келажакка эга эканини башорат қилган эдилар. Фильмда уларнинг ана шу эзгу орзулари бугунги кунда рўёбга чиқаётгани акс эттирилган.

МУШТАРАК МАҚСАД САРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзоси Акмал Қосимов билан мулоқот

— Халқимиз мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Босиб ўтган йўлга назар ташлаб, нималарни айтишингиз мумкин?

— Мамлакатимиз бу йил мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини нишонлайди. Биз тарихда мисли кўрилмаган воқеаларнинг иштирокчиси бўлганимиздан мен ғоят бахтиёрман. Халқимиз орзу қилган мустақиллигимиз қарор топганлиги, озод Ватанимиз ўз мавқеига эга бўлганлиги, жаҳон миқёсида тан олинганлиги, порлоқ истиқболимизга Президентимиз раҳбарлигида босқичма-босқич дадил қадам босиб бораётганимиз ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

Ҳозир ўтмишга қараб назар ташласак, шуни аниқ айтишим мумкинки, биз тўрт йил аввал ўз йўлимизни тўғри танлаганмиз. Халқимизнинг асрлар давомида эзгу ниятлари рўёбга чиқди, биз озодликни қўлга киритдик ва истиқлол сари дадил қадам ташлаб бормоқдамиз.

Давлатимиз ўз рамзларига: Конституциясига, байроқ, герб ва мадҳиясига эга. Биз ўз конституциямиз асосида ҳуқуқий демократик адолатли жамият қурмоқдамиз. Давлатимиз дунёдаги 130 дан ортиқ мамлакатлар томонидан тан олинди, 80 дан ортиқ мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Европа Ҳамкорлик Ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб кирди. Тошкентда унлаб хорижий мамлакатларнинг элчихоналари очилди. Кўплаб чет эл мамлакатларида ҳам Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари очилди. Айниқса, юртбошимиз И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ва бошқа нуфузли ташкилотларда қилган маърузалари Ўзбекистонни дунёга танитишда, мустақил республика сифатида тан олинишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Биз Ўзбекистонни дунёга юз тутаётганининг гувоҳи бўлиб турган эканмиз, баъзи бир нарсаларни таъкидлаб ўтишимиз керак. Бизнинг ички имкониятларимиз жуда катта эканлигини ҳамма билади. Шунинг учун чет эл мамлакатларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кундан кунга ортиб бораяпти. Биз ўзаро фойдали иқтисодий алоқалар, маданий алоқалар ўрнатдик, илм-фан соҳасидаги алоқаларни кучайтираяпмиз. Мана шу йилнинг ўзида мамлакатимизга Германия, Индонезия, Украина давлатлари бошлиқлари, Ислом Араб Республикасининг Президенти, Туркия Республикасининг Бош вазири, Россия ҳукуматининг бошлиғи келишди. Бу ташриф-лар дунё бизни тан олганлигидан далолат бериб турибди.

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Биз Президентимиз бошчилигида очиқ бозор иқтисодиётига ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига эга бўлган ҳуқуқий, демократик, адолатли жамият барпо эта бошладик. Сиёсий институтларнинг ривожланиши, йўналишлари ва шакллари хусусида халқимизда яқдиллик бор. Демократик ўзгаришлар йўлида сезилари ижобий ўзгаришлар юз берди.

Бу ютуқларга эришиш учун ҳукуматимиз юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов дастуриламал қилган бешта асосий тамойилларга асосланган ҳолда иш олиб борди. Биринчидан, иқтисодиётимиз ривожи мафқурадан ҳоли бўлган ҳолда ривожланиб келмоқда. Иккинчидан, асосий ислоҳотчи бозорга ўтиш даврида давлатдир, яъни давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиб, шу сиёсатни амалга оширмоқда. Учинчидан, жамиятимизда ўтказилаётган барча ислоҳотлар қонунларга асосланиб жорий этилмоқда. Бу борада, мен айтишим керак, олдинги парламентимизнинг ҳиссаси каттадир. Тўртинчидан, бозорга ўтиш даврида давлатимиз олиб бораётган ички сиёсат аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилгандир. Президентимиз айтганидек, «халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг ажралмас шартидир». Бешинчидан, янги иқтисодий, бозор муносабатлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда улкан ижобий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда биз республикамизда бозор муносабатларига мос тушадиган ҳуқуқий негизни изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Иқтисодий ислоҳотларни ошкора, оқилона, омилкорлик билан амалга ошириш натижасида биз республикамизда умумий фуқаровий, умумий миллий барқарорликка эришдик. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли тугалланди. Сизнингча, биринчи босқичда нималарга эришдик?

— Аввалламбор, миллий ялпи даромадимизнинг кескин камайишга йўл қўймадик, халқимизнинг турмуш даражаси пасаймаслигига ҳаракат қилдик, устивор йўналишларга жиддий эътибор бердик, иқтисодда барқарорликка эришдик, ишлаб чиқариш аломатлари усиши кузга ташланди.

Масалан, нефть, газ конденсатлари, олтин ишлаб чиқариш, дон етиштириш 1991 йилга нисбатан анча ошди. Илгари халқ истеъмоли моллари бошқа ҳудудлардан олиб келинар эди, эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Масалан, нефть ва нефть маҳсулотларини ташиб келиш 6-7 мартага камайди, сут-гўшт маҳсулотлари 2-3 мартага, дон сотиб олиш 2 марта камайди. Мустақиллик шарофати билан мен бизни хурсанд қиладиган яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиз пахта экспорт қилиш бўйича 2 ўринда туради. Тилла заҳираларимиз бўйича бешинчи ўринда ва тилла ишлаб чиқаришда биз еттинчи ўринда турамиз. Яна қувончли нарса рангли металлар ишлаб чиқаришда мамлакатимиз дунёдаги унта мамлакатлар ичида туради. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизни келажаги порлоқ эканлигини кўрсатади. Енгил саноат моллари-ни ишлаб чиқариш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада кўпайди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг давлатдан ташқари мулкчилик шакллари пайдо бўлди, барча давлат хўжаликлари мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. Ҳозирги кунда 1517 чорвачилик фермалари жамоа мулкига айлантирилди, деҳқон фермер хўжаликларнинг сони 15 мингдан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигида муҳим вазифа — дон мустақиллигига эришишдан иборат эди. Бу борада бу йилги натижалар қувонтиради.

Шундай қилиб, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичининг якунлари шундан далолат берадики, республикамизда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланди. Ҳозирги иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида долзарб вазифалар Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобларида батафсил, атрофлича ёритиб берилган:

— хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш;

— макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш;

— миллий валюта қадрини ошириш;

— чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш;

— кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш.

Бу борада мамлакатимиз ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятига эга бўлган кичик технологияларнинг жорий қилиниши кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш учун шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиб бериш каби вазифалар ҳам ҳукуматимиз эътибор марказида турибди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларга, шу жумладан, пахта ва дон маҳсулотларига давлат буюртмасини камайтириш ҳамда миллий дастуримизни яратиш

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

• Мустақиллик ва истиқлол шарофати билан кун сайин чирой очиб, яшнаб бораётган гўзал Тошкентнинг бугунги жамоли унда бир бор бўлган ҳар қандай сайёҳни лол қолдирмасдан қўймайди. Узукка кўйилган гавҳар кўздек шаҳарга ярашиб тушган кўплаб янги иншоотлар айниқса азим пойтахтимизга ўзгача ҳуси ва латофат бахш этмоқда, Мазкур суратларда ҳам ана шу шукуҳли оналарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва ишга туширилган иншоотлардан лавҳалар акс эттирилган.

Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 1995 йил 30 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

• Америка Қўшма Штатлари Президенти Уильям Ж. Клинтон Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига Ўзбекистон Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан энг самимий қутловларини йўллади.

***

• 23 август куни Австралия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жефри Роберт Бентли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

***

• Вашингтон университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги программаси профессор ва талабалари Ўзбекистоннинг улуғ байрами — Мустақиллик кунини тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига табрикнома йўллаб, юртбошимизни ва у орқали бутун ўзбек халқини муборакбод этдилар.

***

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил этиш тўғрисида» Фармон берди.

***

• Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов «Тошкент вилояти Бекобод шаҳри меҳнаткашларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» Фармон берди.

***

• 18 август куни БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида БМТ тараққиёт дастури томонидан ишлаб чиқилган «Инсон тараққиёти бўйича ҳисобот» (ИТҲ) Презентацияси бўлди.

У аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокига бағишланди.

***

• 19 август куни Вазирлар Маҳкамасида Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Журабеков бошқарди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, М. Усмонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хорижий сармоялар бўйича агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

• 24 август куни Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Б. Эшонов бошқарди.

***

• Ўзбекистон Фанлар академиясида қирғиз халқининг қадимий достони — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг кўпгина таниқли фан арбоблари, олимлари, ёзувчи ва шоирлари ҳамда қирғизистонлик меҳмонлар иштирок этишди.

***

• 22 август куни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигида пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўриш, ғўза баргини сифатли тўктириш ҳамда бошоқли дон экинлари экишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков бошқарди.

***

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

***

• Марказий банк 1995 йил 23 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси махсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:

— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,70 сум.

— Сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,70 сум.

СЎЛУР АЗИЗ

Халқ кўнгил гулзорини сўлдирмаган бўлур азиз,
Эл учун зарра зарар келтирмаган бўлур азиз.

Далаларга ҳар баҳор ариқ бўйи, ер четига,
Павниҳол экишда, вақт бой бермаган бўлур азиз.

Гар муаллим бўлса, мард эллар фаровон илм ила,
Илм олиш ишин чала қолдирмаган бўлур азиз.

Ўтган аждодлар ҳаёт йўли бўлур ибрат бизга,
Улар ақлий гавҳарин хор қилмаган бўлур азиз.

Ишлабон ядро, атом, кимлар ўзин илғор санар,
Тинчлик излаб, байроғин олдирмаган бўлур азиз.

Туну кун жойидадур, ой ҳам ўшал, офтоб ўшал,
Ҳар маҳал пок дилга гард, қўндирмаган бўлур азиз.

Суҳбатин орзусида, айла дуо юртбошини,
Майли Деҳқоний ҳудо зор қилмаган бўлур азиз.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

• Саломатлик

ДОРИ-ДАРМОН ОЛИНДИ

Япония билан мамлакатимиз ўртасида тузилган шартномага мувофиқ республикамиздаги икки ёшгача бўлган болаларни эмлаш учун вакциналар билан таъминлаш мақсадида 3 миллион АҚШ доллари ажратиб кўзда тутилган. Йил бошидан бери қариб 1 миллион АҚШ долларилик вакцина келтирилди. Кўпи-кеча унинг навбатдаги туркуми олинди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида ана шу воқеага бағишланган йиғилиш бўлди. Унда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магосаки қатнашди.

ПАХТА КАРВОНИ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Узбекистон тумани пахтакорлари Фарғона водийсида биринчилар қатори пахта теримига киришди. 7180 гектарлик туман пахтазорларида ҳосил ҳар қачонгидан эрта етилди. «Ғаниобод» ширкатлар уюшмаси, Сидиқжон Азизов, Ғафур Ғулом, «Пахтақайнар», «Ўқчи» сингари жамоа хўжаликларида терим сурьати кун сайин ортмоқда.

Ана шу хўжаликларда терилган дастлабки 250 тонна «оқ олтин» ортилган пахта карвони тумандаги «Узбекистон» пахта тозалаш заводига етиб келди. Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган митингда Фарғона вилояти ҳокими М. Исломов пахтакорларни терим мавсуми бошланганги билан қутлаб, истиқлол байрами арафасида юксала бошлаган ҳирмон қут-баракали бўлишида уларга муваффақиятлар тилади.

Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

МУШТАРАК МАҚСАД САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

керак. Президентимиз олиб бораётган сиёсат замонавий технологияларни жорий этган корхоналарнинг солиқ юкини енгиллаштиришни назарда тутади. Бундан ташқари иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида корхоналарни бюджетдан маблағ билан таъминлаш камайтирилади, молиявий кредит тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ҳар бир халқнинг буюклиги унинг сони билан эмас, маънавий қадриятлари билан белгиланади. Тўғрисини айтиш керак, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар, бозор муносабатларига ўтиш даврига хос мушкул вазиятга қарамай, мамлакатимизда маданиятимизни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Амир Темур хиёбони Тошкентда, Мирзо Бобур мажмуи Андижонда, Нақшбандга бағишланган меъморий мажмуа Бухорода, тикланаётган қўҳна бозорлар, расталар, қад ростлаётган меҳмонхона, чойхоналар ва бошқа обидалар халқимизнинг яратувчанлик ишларидан далолатдир. Халқимиз улуғ яратувчанлик ишларини амалга ошираётганда «Яхшидан боғ қолади» деган нақлга амал қилмоқда.

— Мустақиллик шарофати билан халқ таълимига, маорифга ҳамда шу соҳа ходимларига ва умуман, маънавиятимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз?

— Эсласангиз Президентимиз, биринчи навбатда, ўқитувчиларга ғамхўрлик қилиб, уларнинг турмуш даражасини кўтаришга оид махсус Фармон чиқарган эди. Президентимизнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги яқинда чиқарган Фармонида ҳам маориф ходимларига алоҳида эътибор берилган. Бу албатта, уларга давлатимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолат бериб турибди. Чунки давлатимиз келажаги болаларимиз тақдири билан улчанади. Бу борада яна бир қувонтирадиган воқеа шуки, республикамизда ўнлаб янги университетлар ва институтлар ташкил этилди. Билим ўчоғлари вилоятларда пайдо бўлиши халқимизнинг ақлий салоҳияти юксалишига хизмат қилади. Уйлайманки, талантли ёшларимизга эътибор ҳам кучайиб бормоқда. Давлатимиз имконият топиб уларни хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юбориб турибди. Буларнинг ҳаммаси маънавиятимиз ривожига хизмат қиладиган омиллардир.

Мустақиллигимизнинг тақдири, Узбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда, ғоявий-сиёсий етуклиги ҳамда миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Миллий истиқлол мафкурасининг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка умид, сабр-тоқат, адолат, маърифат каби туйғулар онгимизга сингдирилиши лозим.

Узбек-туркий удумлари маънавий пойдеворимизнинг ажралмас қисми. Улар минг-минг йиллар давомида яратилиб жорий қилинган ва халқимизнинг турмуш тарзига, кундалик эҳтиёжига айланиб кетган. Халқ унга амал қилган, ўз миллатини, тилини, миллий бирлигини сақлаб қолган. Ғанимлар миллатни йўқотиш учун удумларни — миллатнинг мустаҳкам илдизини қирқиб ташлашга ҳаракат қилишган. 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган шўролар сиёсати ҳам шу мақсадга қаратилганини эндиликда ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Мустақиллик туфайли халқ удумларини ўрганиш, тарғиботташвиқот ишлари борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Халқ мақоллари қайта-қайта нашр этилди, мактабларимизда махсус фан «Одобнома» ўқитила бошланди. «Одобнома», «Жавоҳир ул ҳикоят», «Тақдирнома» ва бошқа дурдона китоблар чоп этилди. Халқимизнинг тарихий удумлари бўлган «Навруз» байрами, руза ва Қурбон ҳайитлари тикланди ва расман нишонланиб келмоқда.

Бу ўлкада Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Исмоил Бухорий, Ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймолар яшаб ўтганлар. Бой, мазмунли, минг-минг йиллик ўтмишимиз келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори, таянчи бўлиб хизмат қилиши лозим. Юртимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган энг катта ютуқларидан бири маънавият мустақиллиги бўлди.

Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон каби қатағон бўлган адибларимизнинг номлари қайта тикланди. Уларнинг бебаҳо асарлари қайта нашр этилди, маданий меросимиз сифатида ўрганилмоқда.

Халқимиз ўз Ватанини, маърифатлашган ва юксак аҳлоқли давлат қурилишига даҳлдор эканлигини ич-ичидан ҳис қилмоқда. Бизнинг буюк маданий утмишимиз бор, фахрланишга арзийдиган, дунёга кўз-кўз қиладиган маънавий бойликка, қайта тикланаётган ва ривожланаётган қадриятларга эгамиз.

Ишончим комилки, халқимиз келажаги порлоқ. Бунинг учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

— Мамлакатимизда кўппартиявийликка жуда катта аҳамият берилаяпти. Сиз бунга қандай қарайсиз? Олий Мажлис фаолиятида кўппартиявийлик амалда ўз ифодасини қандай топмоқда?

— Жамиятимизда ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Янги партия ва ҳаракатлар қад ростламоқда. «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамда «Миллий тикланиш» партияси ўз фаолиятларини бошладилар.

Уйлайманки, кўппартиявийлик биз барпо этаётган адолатли ҳуқуқий демократик жамиятга мос келади. Чунки бу турли фикрлар, конструктив танқид, таклиф ва мулоҳазалар ҳисобига олинишига имкон беради.

Мен уйлайманки, мамлакатимиздаги турли партияларнинг дастурлари фарқ қилса ҳам, асосий мақсадлари битта — Узбекистонни юксалтириш, халқимизнинг турмуш даражасини ривожланган мамлакатлар кўрсаткичига яқинлаштириш.

Хабарингиз бор, Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида турли партия фракциялари рўйхатга олинди. Ҳозирги кунда Олий Мажлисда 69 депутатдан иборат Узбекистон Халқ демократик партиясининг, «Ватан тараққиёти» партиясининг ва 47 депутатдан иборат «Адолат» социал-демократик партиясининг фракциялари ҳамда халқ вакиллари органларидан сайланган 120 делегатдан иборат блок ўз фаолиятини олиб бормоқда. Турли фракциялар ва блок вакиллари Олий Мажлиснинг барча қўмита ва комиссияларининг ишида фаол иштирок этмоқда. Бу эса ҳар бир қонун ёки қарор лойиҳасини тайёрлашда барча фикрларни ҳисобга олишга имкон беради.

— Яқинда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис сессиясига қандай тайёргарлик кўрилаяпти?

— Бу галги Олий Мажлис сессияси улуғ байрам, яъни Мустақиллик куни арафасида бўлаётганлиги депутатларимизга юксак масъулият юкламоқда. Сессияга тайёргарлик кўриш бўйича махсус депутатлар ишчи гуруҳи тузилган эди. Ушбу гуруҳ ўз ишини давом эттирмоқда. Ҳозирги босқичда барча ҳужжатлар депутатларимизга ўрганиш учун тарқатилган, ҳамда қонун лойиҳалари бўйича таклифлар келиб туша бошлади. Қўмита ва комиссиялар ушбу таклифлар юзасидан иш олиб бормоқда. Уйлайманки, сессиямиз ишчанлик руҳида утади, чунки барча киритилаётган ҳужжатлар аҳамияти жиҳатидан муҳимдир.

— Газеталарда ёритилаётган мақолалар сизни қониқтирадими? Бу борада қандай таклифларингиз, истакларингиз бор?

— Матбуотнинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Бу ҳаммамизга маълум. Бугунги кунда радио ва телевидение каби матбуотнинг ҳам аҳамияти катта.

Хабарингиз бор, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган дастурий нутқларида бу ҳақда ҳам гапириб ўтдилар. Ҳақиқатдан ҳам қалами ўткир журналистларни кўпайтириш лозим. Журналист ҳаётимизнинг ҳар бир қиррасини кенг ёритиб бериши керак. Айниқса, ҳозирги даврда, иқтисодиётимиз равнақ топаётган бир пайтда давлат манфаатларини ўйлайдиган, тунни тун демасдан ишлаётган ҳалол, пок инсонларни тарғиб қилиб, келажак авлодимизни Ватанга, мустақиллигимизга садоқат руҳида тарбияловчи мақолалар чоп этилса, айни муддао бўлур эди. Шу билан бирга жамиятимиздаги нопок ишлар билан банд бўлган, давлатимизга қарши ҳамда халқимиз ризқига кўз олайтираётган ноинсофларни фош этиб, фельетонлар босиб чиқарилса ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада республикамиз журналистларига куч-қувват, ижодий изланишлар тилайман. Бизнинг «Адолат» газетамиз номига яраша адолатпарвар ўткир мақолалар ва фельетонлар билан бойитилади, деб ишонаман.

Ғулом ПРИМОВ суҳбатлашди.

• Ислоҳот одимлари

Шовот туманидаги «Турон» савдо ҳиссадорлик жамияти жамоаси кейинги йилларда бир қанча хайрли ишларни амалга ошираяптилар. Жумладан, сўнгги бир неча ой ичида бу ерда бир қанча янги дўконлар, бозор, кўпгина савдо шохобчалари қурилиб, ишга туширилди.

Яқинда жамиятга қарашли янги тўқувчилик цехи ўз ишини бошлади. Бу ерда дастурхон, сочиқ, чойшаб ва ёстиқ жилдлари каби аҳоли учун зарур бўлган турли ҳил халқ истеъмоли моллари тикиляпти.

Хиссадорлик жамиятида ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, яхши дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Саломатлик ва дам олиш хоналари, спорт зали, ҳаммом, ошхона ва нонвойхона доимо уларнинг хизматида. Шунингдек, жамиятнинг шахсий чорвачилик хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳам арзон нархларда ишчи хизматчиларга тарқатиляпти.

Суратларда: яқинда қуриб ишга туширилган супермаркетнинг умумий кўриниши, тикувчилар (чапдан ўнга) Д.Одамова, Р.Жабборова, А. Матёқубова.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ШОҲИМАРДОНГА ГАЗ КЕЛДИ

Вилоят газлаштириш идораси туманлардаги жамоа хўжаликлари, ширкатлар уюшмалари ҳамда ҳиссадорлик корхоналари саъй-ҳаракатлари туфайли ҳозиргача 230 километр масофада газ қувурлари тортилди.

Мустақиллик байрами кунигача яна 50 километр масофага газ қувурлари тортиш ишлари жадал олиб бориляпти.

Ёзёвон туманидаги «Қатортол» жамоа хўжалигида биринчи сентябрь куни 1,5 километр масофага тортилган қувурдан хонадонларга туширилган газ плиталарида «зангори олов» ёнади.

Мамлакатлар, одамлар, воқеалар

• БЕЛГРАД. Сараево яқинидаги Игман тоғида жойлашган Европа тезкор кучлари Босния сербларининг жанговар қароргоҳларига оғир артиллерия қуролларидан ўқ ёғдиришди.

Игманга бир ҳафта илгари келтирилган бу оғир қуроллардан Европа тезкор кучлари илк бор фойдаланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

***

• ОТТАВА. Мингта яқин бронетранспортёр ва ҳарбий техника ҳамда уч мингта яқин ҳарбий аскар Онтарио ва Квебек вилоятлари орқали Нью Брансуикдаги ҳарбий базага кўчирилмоқда.

Маълумотларга қараганда, яқин кунлар ичида бу ерда Босниядаги Канада жангчиларини эвакуация қилишни машқ қилиш юзасидан ҳарбий тадбирлар ўтказилади.

***

• ПЕКИН. Нефть ва газ савдоси бўйича дунёда етакчи бўлган Американинг Эксон, Японияниг Мицубиси ва Хитой миллий нефть корпорациялари Трансосиё газ қувурини ўтказиш ҳақидаги битимни имзоладилар.

Ушбу битимга мувофиқ Туркманистон яқин йиллар ичида ўз табиий газини Узбекистон, Қозоғистон ва Хитой орқали Японияга экспорт қилиш имкониятига эга булади.

***

• ИСЛОМОБОД. Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларига расмий ташрифи бошланди.

У Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ҳамда бошқа соҳаларда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилади.

Беназир Бхутто Қирғизистонга расмий ташрифи чоғида қирғиз халқ эпоси «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тантаналарда иштирок этади.

***

• БМТ Хавфсизлик Кенгашининг маслаҳат мажлисида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан муҳолиф кучлар йўлбошчиси Абдулла Нури ўртасида бўлиб ўтган музокара натижалари бўйича БМТ котибининг маърузаси тингланди.

17 августда томонлар миллий яраш ва мамлакатда тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги ҳужжатни имзолаган эди. Олти ойдан буён амал қилиб келинаётган ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномани 26 августгача узайтиришга келишиб олинди. Хабарларга кўра, ушбу музокаларнинг навбатдаги босқичи 18 сентябрда бошланади.

***

• РОССИЯ фуқаролари собиқ СССРнинг тарқаб кетишида асосий айбдор 1991 йил уюштирилган «Путч» ташкилотчилари эмас, балки Михаил Горбачевдир, деган фикрни билдирмоқда.

«Жамоат фикрини ўрганиш» жамғармасининг август ойида ўтказган умумсўрови натижасида ана шулар маълум бўлди.

Суралганларнинг 44 фоизи собиқ Президентни, 5 фоизи эса ГКЧПни айбламоқда.

***

• Ўтган душанба куни Вашингтонга Сараево яқинида ҳалок бўлган уч нафар америкалик дипломатларнинг жасади олиб келинди. «Биз оғир йўқотишни бошимиздан кечирдик, бироқ Босния низоларини тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳаракатлар давом этаверади», деди АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер.

АҚШ дипломатларининг фожиали ҳалок бўлиши туфайли Босниядаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича «Мулоқот гуруҳи»нинг Женевада буладиган учрашуви қолдирилди.

***

• Франция билан Швеция полициячилари қўпорувчиларга қарши йирик тадбир ўтказди. Стокгольмда жазоирлик бир қўпорувчи ҳибсга олинди.

У яқинда Париж метросида юз берган портлашга алоқадор, дея ҳисобланмоқда. Портлаш натижасида 7 киши ҳалок бўлган, 80 нафарга яқин киши эса жароҳат олган эди.

***



• Париждаги чиройли кўчалардан бири

• Бундан бир ойча бурун Франция ҳукумати Тинч уммонида ядро синови ўтказишга қарор қилгани ҳақида жаҳон оммавий ахборот воситалари хабар тарқатган эди.

Бу қарорни ушбу ҳудудда жойлашган давлатлар жуда ташвиш билан кутиб олди. Янги Зеландия ҳукумати шу муносабат билан халқаро Гаага судига расмий равишда мурожаат қилди.

Уз навбатида Франция ташқи ишлар вазирлиги вакилининг таъкидлашича, Франциянинг ядро синови ўтказишини кўриб чиқиш Гаага халқаро судининг вазифасига кирмайди.

***

• Ўтган Душанба куни собиқ Варшава шартномасига аъзо давлатлар қўшинларининг Прага шаҳрига киритилганига 27 йил тўлди.

Ушбу сана чех тарихчилари, қўпчилик сиёсатчиларда катта қизиқиш уйготмоқда. Бироқ оддий фуқароларда эмас. Улар бугунги кун ташвишлари билан банд, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқаттан хабарда.

***

• Москвада халқаро авиация-космик кўргазмаси очилди. Унда 23 мамлакатдан 400 га яқин фирма ўзларининг авиация соҳасидаги ютуқларини намойиш этади.

Ушбу кўргазмада Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган ИЛ-76 МФ транспорт самолёти ҳам иштирок этмоқда.

***

• Япония полицияси кейинги пайтда мамлакатда оддий кишиларга нисбатан қилинаётган жиноятларнинг кўпайиб бораётганидан ташвишга тушмоқда.

Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида ўт очиш қуроли билан 12 марта жиноят содир этилди (ўтган 1994 йил мобайнида бор-йўғи 11 марта бундай жиноят содир этилган эди). Натижада 23 киши ҳаётдан кўз юмган.

***

• Нигерия ҳукумати мамлакатда борган сари кенг тарқалаётган жиноятчиликка қарши шафқатсиз кураш олиб боришга қарор қилди.

Лагос шаҳри радиоси Гонгола штатининг Йола шаҳрида 5 нафар каллакесарлар отилгани ҳақида хабар берди. Лагос турмасида қаттиқ назорат остида сақланаётган 49 нафар жиноятчи қатл этилди. Нигерия телевидениеси 3 минг кишилик гувоҳлар остида қатл қилинган ушбу жиноятчиларни ойнаи жаҳон орқали намойиш этди.

Бундай қатъий чора қўллаш 6 миллион аҳолига эга Лагос шаҳрида жиноятчиликнинг камайишига олиб келиши мумкин, дея ҳисобланмоқда.

• Иқтисодиёт уфқлари

«ЗИЛОЛА»НИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

Жиззах шаҳридаги устки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Зилола» очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида спорт кийимлари, шарф, жемпир, спорт бош кийимлари сингари 110 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. 1200 ишчи меҳнат қиладиган ушбу йирик корхона кейинги 2-3 йил давомида ярим қувватда ишлашга мажбур бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун ниҳоятда зарур бўлган акрил кимёвий ипларининг йўқлиги бунга сабаб бўлди. Гап шундаки, ушбу иплар илгарилари Украинадан, Беларусь ва Озарбайжон Республикаларидан келтирилар эди. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кеттандан сўнг иқтисодий алоқаларнинг сустлашуви ва шу билан бирга корхона билан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тўлов масалаларининг ҳал қилинмаганлиги оқибатида ушбу зарур маҳсулотнинг олиб келиниши тўхтаб қолди. Корхона бу муаммони тадбиркорона ҳал қилиш йўлларини излай бошлади. Керакли шарт-шароитлар ўрганиб чиқилгандан сўнг, акрил ипларини фабриканинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор қилинди. Шу мақсадда хиссадорлик жамияти қошида кичик фабрика ишга туширилди. Зарур бўлган жиҳоз ва ускуналар Россиядан, Тожикистондан ва Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларидан мавоза асосида олиб келинди. Навоийдаги азот кимёси заводи билан эса акрил иплари тайёрлашда ишлатиладиган нитрон кимёвий толалари етказиб бериш борасида келишиб олинди. Натижада

мазкур корхона зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишга эришди.

Корхонанинг акрил иплари ишлаб чиқарувчи мини фабрикасида бугунги кунда 50 киши меҳнат қилянти. Улар тайёрлаган маҳсулот четдан келтирилганига нисбатан бир неча баробар арзонга тушмоқда. Илгарилари ҳар бир килограмм четдан келтирилган акрилнинг таннархи 350 сўмни ташкил этган бўлса, бу ерда ишлаб чиқарилаётгани 120 сўмдир.

Мини фабрика бир йилда 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Шунингдек, бир ойда 40тоннагача акрил иплари тайёрлай олиш қувватига эга. «Зилола» хиссадорлик жамиятининг ойлик эҳтиёжи учун 20 тонна акрил иплари бемалол етади. Шунинг учун ортиб қолган маҳсулотни Бухоро ва Андижон трикотаж фабрикаларига сотиш йўлга қўйилди.

Анвар КАРИМОВ.

Суратларда: ишчи Э.Эшхўжаева, хиссадорлик жамияти бош муҳандиси Н.Бозоров, ип йигирувчи Ф.Шодиева ва уста ёрдамчиси С. Ўроловлар цехда; ип йигирувчи Н.Ҳақназарова.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

• Ҳамкорлик

УЛУҒБЕК БИЛЛ КЛИНТОН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Американинг бир неча етакчи газетлари мислсиз воқеа ҳақидаги хабарни босиб чиқарди: Узбекистонлик 16 яшар мактаб ўқувчиси Улуғбек Дадамирзаев Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон билан шахсан суҳбатлашди.

Бу воқеа Америка Президентининг сайловчилар билан учрашуви чоғида юз берди. Улуғбек Дадамирзаевга учрашувда МДҲ мамлакатларидан Америкага бориб, таълим олаётга юқори синф ўқувчилари номидан сўзга чиқиш ҳуқуқи берилган эди. Учрашувни бошқарувчи Улуғбекни Россиядан келган мактаб ўқувчиси, деб таништирди. Дадамирзаев эса, унинг хатосини одоб билан тўғрилаб, мустақил Узбекистон тўғрисида, республикамизнинг ғоявий, иқтисодий ҳаётида булаётган ўзгаришлар ҳақида гапирди.

Улуғбекнинг маърузаси АҚШ Президентига шу қадар маъқул бўлдики, маърузадан сўнг Билл Клинтон йигитчанинг олдига келиб, унга миннатдорчилик билдирди, ютуқлари билан қизиқди, омад тилади...

Улуғбек ўтган йили «Акселс» Америка халқаро ташкилоти томонидан уюштирилган инглиз тилини яхши билиш бўйича танловда ғолиб чиқиб, АҚШга сафар қилиш имкониятига эга бўлган эди. Чортоқдаги физика-математика лицейи ўқувчиси ўқишни Қўшма Штатларда давом эттириш ҳуқуқини олди. Шу тариқа, Улуғбек Миннесота штати пойтахти — Миннеаполис шаҳрига борди. У бир йил давомида оддий америкаликлар — Риислар хонадонида яшади. Уларнинг икки ўғли билан бирга маҳаллий мактабда ўқиди. Буш вақтларида эса, спорт секцияларидан бирига ёзилиб, каратэ билан шуғулланди. Риислар оиласи билан биргаликда Американинг деярли 50 та шаҳарини бориб кўрди. Вашингтонга сафар қилиш ва у ерда Билл Клинтон билан учрашув унинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди.

Улуғбек Америка мактабини аъло баҳолар билан битирди. Йигитчанинг фикрича, бунда ота-онасининг хизмати катта. Уларнинг иккаласи педагог, фарзандларига меҳнатга меҳр ва ҳурмат, билимга қизиқиш туйғусини сингдиришган.

Яқинда Чортоққа Тошкентдан яна бир хабар келди: Улуғбек кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, халқаро иқтисодиёт ва дипломатия институтининг талабаси бўлди.

Хорижда ўқиш ва республикамизнинг энг яхши олий ўқув юртларидан бирида таълим олишни давом эттириш имкониятига эга бўлган чортоқлик йигит ҳаётида юз берган бу воқеа ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор бераётган мустақил Узбекистон раҳбарияти ўтказаётган сиёсат самарадорлигини кўрсатувчи ёркин бир мисолдир.

Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

• Диққат, янгилик

КАТТАҚЎРҒОН АЛИФИ

Қурилиш жиҳозларига бўлган талаб ўсаётган айни пайтда алифга муҳтожлик ҳам сезилмоқда. Алиф эса Узбекистонда ишлаб чиқарилмайди. 1994 йил октябрь ойида «Каттақўрғон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхона бозор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тез мослашаётир. Ишчилар мулкига айланган корхонада бугунги кунда ўтган йилдагидан 300 тоннадан зиёд тозаланган чигит ёғи ишлаб чиқарилди. Совун тайёрлаш соҳасида ўсиш рўй берди ва «Узбекмаданийкиме» концерни буюртмаси билан суюқ совун ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Корхона аҳли қарори билан, ишлаб чиқаришдаги узилишларга чек қўйиш мақсадида 300 гектар ерга масҳар ўсимлиги уруғини экиб, ўз кучимиз билан йиғиб олдик, — дейди Мирзо Улуғбек номли «Каттақўрғон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти раиси Искандар Ишбеков. — Масҳар уруғи чигитга нисабатан тежамли чиқиб қолди. Чунки, масҳарни сиқув ускунасидан ўтқаздингиз тамом, истеъмолга яроқли экан, яъни таркибида гассипо йўқ. Шунинг учун келгуси йил масҳар экиладиган майдонни минг гектарга етказмоқчимиз. Давлат тасарруфидан чиқарилгандан сўнг корхона аҳли ўз имкониятларидан кенгроқ фойдалана бошлади. Табиат муҳофазасига, тежамкорликка эътибор кучайди. Айниқса, Ватанимиз мустақиллиги шарафига муҳим бир совға ҳозирладик. Мамлакатимизда биринчи марта алиф маҳсулоти тайёрлаб, дўконларга етказиб берамиз.

Ҳа, мустақиллик халқимизга кўп нарса берди. Маҳсулот сифатига муносабат ўзгарди, ўз ишига лоқайд қаровчи дангасаларнинг жамиятдан ажралиб қолишини ҳам таъминлади. Зеро, ҳаёт ва келажак тиним билмай меҳнат қилувчи инсонлар қўлидадир.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ, журналист.

• Давлат стандарти назорат қилади

МЕТРОЛОГЛАРНИНГ АНИҚЛАШИЧА...

Истеъмолчиларнинг қўлига етиб келадиган маҳсулотларнинг сифати корхоналарда тайёрланаётган буюмлар сифатини аниқлашда ишлатиладиган метрология асбобларига боғлиқ.

«Ўздавстандарт» ходимлари шу йилнинг ўтган даврида республика халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги 1216 корхона ва ташкилотда метрология асбоблари сифатини текширдилар. Шундан 578 тасида нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. 127 мингдан ортиқ ўлчов воситаларининг ҳолати текширилганида деярли 20 мингта асбоб эгаси ўз виждонини унутиб қўйгани маълум бўлди.

ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН ҲАМ БАТТАР

«Ўздавстандарт» метрологлари ёнилғи-энергетика бўйича ҳукумат комиссиясининг топшириғига мувофиқ нефт маҳсулотларига алоқадор бўлган 350 дан ортиқ корхонани текширдилар.

Ёнилғи-мойлаш материалларини ўлчайдиган 6,7 мингта асбоб яроқсиз экани аниқланди. Бу — ўтган йилнинг шу даврида гидан анча кўп. Фарғона, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги нефт маҳсулотларини сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналарда ёнилғи ўлчаш асбобларининг аҳволи айниқса, ночор аҳволда.

ҒИШТ ҲАМ СИФАТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

«Қўқонагроқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 97-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Лекин метрологлар бу ишни таъқиқлаб қўйишди. Чунки унинг пишиқлиги ҳам, ҳажми ҳам давлат стандартига мос эмас. Ишлаб чиқариш ташкилотчилари хумдонни ишга туширишдан олдин маҳсулот сифатини аниқлайдиган лаборатория, ҳароратни назорат қилиб туриш учун оддий асбоблар зарурлигини уйлаб кўришмаган экан. Улар энди нозирларнинг кўрсатмаларини бажаришга мажбур бўлишди.

НОНВОЙМИСИЗ ЁКИ ТЕКИНХЎР?

Шароф Рашидов туманида «Узбекбирлашув» тизимида ишлаётган нон комбинати ходимлари маҳсулот сифатини текширадиган лаборатория очишни хаёлларига ҳам келтиргани йўқ. Шу сабабли, бу ерда тайёрланган нонлар вазн жиҳатидан ҳам, бошқа кўрсаткичлар жиҳатдан ҳам фақат нонвойлар фойдасига ўзгартириб келинган.

Оқибатда нон комбинатининг маҳсулотини сотиш таъқиқланди, текшириш материаллари Сирдарё вилояти солиқ ва молия бошқармаларига топширилди.

ХАРИДОРЛАР УЧУН ҚАДОҚ ТОШ

«Ўздавлатстандарт» метрологлари савдо ва ўзаро ҳисоб-китоб қилиш операцияларида тартибни бузиш ҳоллари камайганини қайд этишди. Шунга қарамай, маҳсулот вазнини ўлчайдиган воситаларнинг 20 фоиздан кўпроғи яроқсиз экани аниқланди.

Зарафшон шаҳридаги Қонимех туман матлубот жамиятига қарашли деҳқон бозорида фойдаланилаётган тарозиларнинг ҳаммаси яроқсиз деб топилди. Бу ерда ҳатто қадоқ тошлар ҳам анча енгил бўлиб чиқди. «Узбексавдо»га қарашли «Баҳромжон» савдо фирмасида, Дангара туман матлубот жамиятида, Бувайда туманидаги «Узбекистон» матлубот жамиятида, «Узбекбирлашув»нинг Сирдарё шаҳар матлубот жамиятида ва бошқа кўплаб савдо ташкилотларида ҳам тарозилар яроқсиз эканлиги, қадоқ тошлар эса, кўрсатилган вазндан енгиллиги аниқланди.

Давлат стандарти ходимларининг гапига қараганда, бундай текширишлар нозирлар учун ҳам хавфлидир. Чунки қонунбузарларнинг қасдбошлари уларнинг ёнини олмоқда. Шу сабабли, бозор муносабатлари ўрнатилгунига қадар бўлган даврда иллати ҳисобланган тош-тарозидан ўриб қолиш ҳамон авжида.

● Янги асарлар

Мақсуд ҚОРИЕВ

ЁНГИН

«Ибн Сино» тарихий романидан парча

Ёзувчи Мақсуд Қориев азиз ватандошимиз, жаҳонга машҳур улуғ адиб ва ҳаким Ибн Сино ҳақидаги тарихий романини ёзиб битказди.

Қуйида ана шу асардан парча эълон қилмоқдамиз.

Хожа баъзи юмушлар билан бир ўзи ивирсиб юрибди. Бугун Ибн Сино негадир келмади. Бирор зарур иши чиқиб қолган бўлса керак. Унга анча урганиб қолган экан, кечгача тиқ этса кўзи эшикда бўлди. Ҳар ҳолда, Ибн Сино билан унчалик кўп мулоқотда бўлмади, келадию чанқоқ олдамдай ўзини китобга уради. Шу орада бир-икки оғиз гаплашиб қолса қолади, бўлмаса йўқ. Албатта, бу борада Хожанинг ўзида ҳам айб кўп, ўлгудек одамови. Балки бу жафокаш кутубхона соҳибининг жисмоний қусуридир. Бу даргоҳга уёқ-буёқни артиб, супириб-сидириб юрадиган бир хизматкордан бошқа деярли ҳеч ким кирмайди. Гоҳо-гоҳо Амирнинг катта ўғли шаҳзода Мансур ташриф буюриб, Хожага бир оғиз ҳам сўз демай, иккинчи қаватга кўтарилади-да, жуда узоқ қолиб кетади. Унинг китоб ўқиётиб, ухлаб қоладиган одати ҳам бор. Хожа асосан ёлғизликка урганиб қолган. Унга бу ерда ҳамиша иш топилади.

Икки йилдан бери китобларни номма-ном рўйхат қиляпти. Эҳ-э, ҳали Хожа бирор марта ҳам қўлига олмаган, ўқий олмайдиган, бошқа тилларда ёзилган рисолалар ҳам бор экан. Билмайди, бу китобларни ким йиққан, қачон? Ҳали ундан бири ҳам рўйхатдан ўтказилгани йўқ. Йиртилган, титилган, муқоваси кўчган, бетлари алмашиб кетган китоблар ҳам бисёр экан. Уларни алоҳида ажратиб қўйди. Ҳаммасини тартибга солиши даркор.

Кутубхона Хожанинг уйи деса бўлур. Иложи бўлса шунда ётиб қолса, лекин бунга рухсат йўқ. Агар тунаб қолганини билиб қолишса борми, уша куниёқ ковушини тўғрилаб қўйишади. Нега шундай экан, бунга унинг ақли етмайди, ким билсин амирнинг отасидан қолган дунё шу ерга беркитиб қўйилганмикин?..

Аммо давлат, мол-дунё Хожани қизиқтирмайди, унга мана бу китоблар хазинаси бўлса кифоя. Айни чоғда битта масала унинг юрагини эзар, агар вақти-соати келиб бу дунёдан кўз юмса, бу оқиллар хазинаси кимга қолади, ким уни эҳтиётлаб сақлайди?

Амир Нуҳ Ибн Мансурнинг бобоси Хожага кутубхона калитини берганда: «Сенга ишонурмен, бунда олтинга ҳам топилмас энг қимматбаҳо хазина сақланур», деганди... Шу гап қулоғида. Лекин амирнинг ўғилари ҳам китоб хазинасини тўлдиришга кўп ҳисса қўшишди. Қиргинбарот урушлар чоғи мамлакатлар ва шаҳарларни босиб олишганда, қаерда китоб бўлса, шу хазинага келтириб қўйилаберган. Амир Мансурнинг вазири бу соҳада кўп ибратомуз ишлар қилди, ҳатто расталарга келтирилиб сотилаётган ноёб китобларнинг қўплари сотиб олинган. Вазири аъзамнинг ташаббуси билан шундай вақтлар бўлдики, Мадинаи мунавварадан юзлаб «Қуръон», «Ҳадис» ва бошқа диний китоблар келтирилди.

Хожанинг ҳаёти ҳам алланечук мавҳум. Шурлиқнинг уйи қаерда, оиласи борми, кимса билмайди. Ўзи букир, кичкинагина одам бўлса, ким ҳам тегарди. Ҳозир ёши олтмишга бориб қолган, кўриниши ёш болага ўхшайди, қаригани ҳам билинмайди. Камсуқум, камгап, ғариб одам.

Бир куни Ибн Сино одатдагидан анча эрта кутубхонага келганда Хожа бир пиёла чой узатиб, бир оз суҳбатлашганларида:

— Хожа ака, оила, бола-чақаларингиз борму? — деб сураб қолди ҳакими замон.

— Суққабошмен, мен нотавонда бола-чақа қайда дейсиз...

Ибн Сино унинг ҳаёти хусусида яна сўрамоқчи эди, Хожанинг ўзи гапни қисқа қилиб, нарсаларини йиғиштирди-да, китоб ямашга тушиб кетди. Табиб тушунди, бошқа савол энди ортиқча, пора бўлган юракка игна санчмоқ не даркор, ноўрин қизиқиб қўйганидан ўзи ҳам пушаймон эди.

Кеч бўлди. Хожа уёқ-буёқларни сарištалаб, энди кетишга ҳозирлиқ кўрмоқда.

Шу вақт тусатдан хонага шифтдай бўлиб икки киши кириб келди. Бири узун бўйли, устида кўкёқич, худди шу рангда салла ураган, белида шамшир; иккинчиси ясқичдан келган, қорапаранг, семиз киши. Кўринишидан бу атрофнинг одамига ўхшамайди. Иккови ҳам безовта, шошиб турибди, кўзлари алоқ-чалоқ. Кўринишдан нияти бузуқ одам кўринур. Хожа бу ноўрин ва бемавруд ташрифдан ҳайрон: бемаҳалда нима қилиб юрибди бегона одамлар, ҳеч кутубхоналик ишлари йўқ. Балки амирнинг одамларимикан?

— Ибн Сино шу ерда китоб мутолаа қилурми? Тунгиз кўпгур кетиб қолибдур-да!.. — деди ҳалиги ясқи, семиз одам.

Хожанинг ранги қув учиб кетди: булар яхшиликка эмас. Юришларишлари, ўзларини тутишлари бежо. Акс ҳолда, нега тап-тўсиндан Ибн Синони ҳақорат қилишади. Шайх уларнинг арпасини хом урибдими.

— Ҳа, нечун ўйланиб қолдинг, гапим ёқмадими сенга, — деди узун бўйли, мўйловдор киши.

— Йўқ, йўқ... нечун ундай дерсиз... Бу Амиримизнинг кутубхоналари, киришга рухсат бўлса...

— Шундай дегин. Биз, демак рухсатсиз кирибмизда-а? Биз ҳам Амирнинг ҳукми бирлан келдик, билдингми, ит эмган!

— Мен бир бечора фақир одаммен... Нимаям дердим... — деди Хожа, қўрқа-писа.

— Фақир кишимен дегани-а, қизиқ бўлди-ку! Бу ердаги хазина қайдалигини сен аблаҳ билурсен. Ҳа, сен... — деди ясқи сўкиниб.

— Ҳа, рост, бунда хазина бор, бу ердаги бойликлар олтиндан, биллур-гавҳарлардан ҳам қимматдир, агар билсангизлар, — деди Хожа.

— Яхшиси айт, биллуру-гавҳарларини қайга беркитган Амир?

— сўради яна ясқи.

— Мана кўринглар, ҳамма хоналарни, сандиқлар тўла...

Новча киши ғўё хазина қидиргандек хона тўрида турган сандиқларнинг қулфини бузиб зарда билан бирма-бир очиб кўра бошлади, қараса барчасининг ичи тўла китоб. «Балки тагидадир» — деб, бир неча китобларни пала-партиш олиб ташлайберди. Бошқа сандиқларни ҳам шундай қилди, уларда ҳам фақат китоблар.

— Ҳой букри, биз сен бирлан майнавозчилиг ўйнаётганимиз йўқдур. Қани айт, хазина қаға беқитилгон? — Ясқи ҳақувват қўллари билан Хожанинг томоғидан маҳкам бўғиб олди. Хожа гоят нимжон одам эмасми, кўзи қинидан чиқиб кетаёзди. Кейин хириллаб қолди.

— Ҳой, ўлдириб қўйма тагин!

— Жони ётникидан ҳам қаттиқ бу мугомбир итваччанинг, — деди ясқи.

— Хазина қайга кўмилганин айтурсанму е?..

Ясқи яна Хожанинг ўқиллоғидан бир бўтган эди, у яна инграб, ғалати қўрқинчли овоз чиқарди. Ясқи уни жаҳл билан нарига улоқтириб юборди, у думалаб, гавдаси кичкина эмасми, қўрққанидан хонтахта тагига кириб кетди.

— Чироқ егини олиб кел! —деди ясқи новчага юзланиб.

— Букрини нима қилурмиз? — деди новча тахта тагида инграб ётган Хожага ишора этиб.

— Кітоб билан қўшилишиб енгани маъқулмикин-а? Гувоҳсиз бўлгони... Не дерсан?..

— Ҳаммаеққа чироқ егидан сепиб чиқ!

Ёг икки сопол идишда экан. Ясқи бир сопол кўза чироқ егини сепиб бўлгач:

— Бунисини ҳам сепайми? — деб новчадан сўради.

— Тезроқ бўлақол, етар, қолгани идишда тураберсин, — деди ясқи.

— Қани, ёқ бўлмаса! — деди новча.

Ясқи хона тўрига бориб, гилам устидан халқобланиб ётган чироқ ёгига ўт қўйиб юборган эди, бирдан гуриллаб кетди. Икковлон шошганча эшик томон югуришди. Эшикни ясқи кирганда хавотирда ичкаридан қулфлаган эди...

— Буни калити қани, ҳой аблаҳ! — деб бақирди ясқига новча қўрқиб кетиб.

— Узинг қулфлаган эдинг-ку, эси паст!..

Олов бирпасда ҳаммаёқни қуршаб олди. Аллазамонлардан бери қуриб ётган мойли ёғочлар қасир-қусур ёна бошлади. Гиламлар гуриллаб, ҳаммаёқ тутун, аланга ичида қолди. Хожа ўзида қандайдир нафратли кучни сезди-ю, жон аччиғида ўрнидан даст туриб, Аллоҳи акбар, деди-ю, иккинчи сопол кўзадаги чироқ ёгини икки олчоқ томон сепиб юборди.

Бирдан аланга яна ловуллади, хонада ғўё дўзах нафаси анқигандек. Ана энди қуринг, ҳўл-қуруқ бараварига ёнарди. Бунақанги аянчли фожиа ҳеч ерда ҳеч қачон бўлмаган. Ўт ичидан жон аччиғида бақириб сўкинган овозлар бир зум эшитилиб турди. Сўнг жавонми, нимадир гулхан ўртасига қирсиллаб қуладию, ҳалиги икки олчоқнинг уни ўчди.

Ҳаял ўтмай, аланга иккинчи қаватга туташди. Ташқаридан эса одамларнинг қий-чуви, челакларнинг мис кўзаларнинг шақирлагани эшитила бошлади.

Тумонат одам. Сарой аҳли, бутун сарбозлару хизматкор ғуломлар идишларда, мешкоблардаги сувни оловга сепишиб, ўзлари четга қочишарди. Аммо сув бундай кучли алангага ўрвоқ ҳам бўлмас, ғўё оташга яна ёг қўйгандек. Сарой амалдорлари, қозию миршаблар, лашкарбошилар ҳаммаси шу ерда. Бир маҳал бир тўда суворийлар билан Амирнинг ўзи ҳам етиб келди.

Утни учиришнинг имкони йўқ эди. Бунга кўзи етган Амир:

— Сарой томонга туташқан анави уйларни тезда бузиб ташланглар! — деб фармон берди.

Ҳамма кутубхона орқасига тўташиб кетган уйларни буза бошлади. Акс ҳолда тобора авж олиб бораётган ёнгин саройга ҳам ўтиб кетиши муқаррар эди.

Кутубхона атрофи одамларга тўлиб кетган. Ғўё бутун Бухоро шу ерга кўчиб келгандек. Аланга тафти бир тош наридан билинар, шу боис ҳамма ўзини четга олар эди. Ўт учирмоқчи бўлиб мешларда, идишларда сув кўтарган хизматкор-ғуломлар, миршаб ва лашкарлар сув сепиш бефойдалигини билиб, энди чекка-чеккада туриб, тобора гуриллаётган ёнгинни томоша қилишарди.

Ана, нариги чеккада, Бухоронинг қунчиқар ғузарида яшайдиган отаошпарастлар оловга сигиниб, ўзларига неларнидир пичирлаб, дуо ўқишмоқда.

— Ҳай, халойиқ, бу қандай қўрғилик бўлди, қиёмат қойим бўлдиму ахир, ё Аллоҳнинг газаби-нафратими бу?!.

Ибн Сино ёзи бу. Қаердандир воқиф бўлибми, ё Бухоро осмони узра қора қуюндек шимол томон оқиб бораётган қаро тутунни кўрибми, кутубхона томон жон-жаҳди билан югуриб келган эди. Ҳусайннинг ҳозирги ҳолатини, кечаётган дил дардини сўз билан ифодалаб бўлмасди. Узини ўт ичига уриб, бебаҳо, ноёб китобларни қутқариб қолишга тайёр, аммо аланга шу қадар авж олиб кетган эдики, худди аждаҳодек пишқирар, ғўё само сатҳига ёнаётган ана шу китоблар гулханидан ўтли сатрлар битаётгандек эди.

О, Зардушт, муқаддас руҳ, сен яратган оташпарастларнинг буюк китоби «Авесто» ёнар, уни минг йиллар илгари Нифрит тоғида ун икки минг бузоқ терисига ёзилган нусхасини Искандар Зулқарнайн бир-бирининг устига қўйиб ёқиб юборган эди. Мана энди, Зардуштийдан қолган уша муқаддас китобнинг энг сўнгги парчалари ҳам ёнмоқда. Унинг сақланган варақлари аланга ичида ловулламоқда.

Рустам ва Суҳроб, Сиёвуш ва Кайковус, Афросиёб қиссалари, саргузаштлари битилган ҳеч тенги йўқ китоблар ҳам ёниб кулга айланди. «Калила ва Димна», «Юсуф ва Зулайҳо», «Иброҳим Адҳам» қиссалари ўт ичида.

Хуросон, Суғд, Миср, Манихей, Парфия, Паҳлавия ва Юнонистонда битилган энг нодир китоб нусхалари шунда эди. Улар оташ остида қолмиш.

Буюк Рудакий ғазаллари, унинг фалсафий мушоҳадаю нозик ишқий мисралари ўт ичида. У Бухорони қандай улуғлаган эди.

Ғазаллару мадҳиялар эмас, Рудакию Фирдавсийлар бунда ўт ичида ёниб, алангали афғон чекмоқда эдилар.

Мана, буюк маданий оламнинг ҳеч қайтарилмас китоби «Шоҳнома»нинг ўтли мисралари. Буюк шоҳлар ҳақидаги улмас рисола ҳам гуруллаб ёнмоқда.

Кўп олий қасрлар бўлурлар хароб,
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шеърдан бу бинои жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон.
Сухан тухмин экдим чекиб меҳнатим,
Мен ўлмам, асрлар яшайди отим.

Ҳа, бу сатрлар буюк Фирдавсийнинг ўтли, оловли мисралари. Ибн Сино аддан билади бу беназир дурдоналарни. Афсус, ҳаммаси кул бўлиб осмонга учмоқда...

— Ҳой мусулмонлар, ажаб бўлибдур, ғайри диний китоблар куйиб, кул бўлибдир, бу Аллоҳнинг қаҳри».. — деди бир дарвеш.

Ибн Сино ялт этиб унга қаради. Оломон ичида турриб тош отмоқда.

— Нечун бунга тилинг борди, эй нодон! Ахир, билурсанмики, сенинг иймонинг ҳам шунда эди. Эй мусулмон, Қуръон ҳам, Ҳадис ҳам ..Эсиз, эсиз!..

Ибн Сино олов тафтидан юзлари қип-қизариб, кўзлари жазавада чақнаётган оломонга тикилди. Ҳамманинг юзида ҳаяжон, изтироб. Одамларнинг кўзида ёш кўрди...

Ҳалиги олчоқ чолнинг гапи алам қилиб кетди: наҳотки, бўлаётган бу иблисона оташ фожиасини тушунишмаса! Оломон орасида бундайлар кўп. Улар мени сеҳргарга чиқариб қўйишган. Ахир, мен ҳам бир мусулмонман, Аллоҳнинг сизларга ўхшаган бир бандасимен. Иймон, виждоним пок, дилимда Худо, тилимда калима.

Ибн Сино тиловатга ҳаё жўфтлаб.

Бухоро аҳли Жоме масжидида жуда кўп бора Қуръон тиловатини эшитган эди, аммо бунақаси иллоҳ қулоқларига чалинмаган. Ҳаким шундай тиловат қилдики, ғўё ҳаммаёқ ларзага келди: юраклар сел бўлиб, бутун вужуд бўйлаб ажиб бир титроқ таралди. Қуръоннинг ҳар бир сўзи, банди, сураси аниқ, оҳангдор, сирли жаранглади.

— Эй оломон, билиб қўйинглар: уша осий Ибн Синонинг ўзи ўт қўйган!..

Бирдан оломон ўртасида говур-ғувур бошланди.

— Ким ул олчоқ.

— Ушланглар ул ғаламисни!..

Кимдир ҳалиги игвогарни мушт билан тушириб қолди. Қий-чув авж олиб кетди.

Ногоҳ қайдандир қаттиқ шамол турди. Кунчиқар тарафдан пагапага булутлар босиб кела бошлади. Осмон гумбурлаб, чақмоқ чақди. Кул тепани кучли шамол қайлаётгандек учира бошлади. Ғўё руҳлар ғалаён қилаётгандай, бўлаётган фожиага қодир ламязалнинг қаҳри-ғазаби келаётгандай эди.

Кейин, кучли ёмғир бошланди.

Ибн Сино турган жойида ҳайкалдек қотиб қолган, ғўё ёмғир уни чумилтираётгандай...

● Бу сирли олам

ДУНЁДА ЁЛҒИЗ ЎЗИ...

БРЭППТОН, Онтарио. Дэнни Осборн муваффақиятсиз оборгдан сўнг кўлсиз, оёқсиз туғилиб, дунёда яшаб қолган ягона матонатли боладир. Шундай бўлса-да, руҳи тетик ва бардам.

— Бу оборт қилдириш учун даҳшатли урниниг бўлганди, — дейди канадалик 13 ёшли боланинг онаси Джин Осборн. — Бироқ Дэннида ҳеч қачон уни тарк этмас қандайдир руҳ бор. У билан учрашган бирор бир одам, уни асло унутолмайди. У одамларга ута чуқур таъсир утказа олади.

Дэнни Гонконгда туғилди. Ота-онаси туғилиши билан ундан воз кечишди. Болага гоят оғир эди, у тўрт йил етимликни бошидан кечирди. Ниҳоят, 18 болани асраб олган канадалик оилалардан бири уни ҳам бағрига олди, ўтил қилиб асраб олди. Дэнни дастлаб ғамгин ва одамови эди. Аммо янги ота-онасининг унга бўлган меҳр-муҳаббати болани яна бир бор ҳаётга қайтарди. Бугунги кунда мактабга — 6-синфга қатнамоқда.

— Илгари у жуда тортинчоқ ва ғамгин эди, — дейди Деннини махсус биоэлектрик қўл-оёқ билан таъминлаб турган протез бўйича мутахассис Брайан Джиаведони. — Ҳозир бутунлай бошқача. Ўзига қатъий ишонади. Бу ишонч манбаи уни қўллаб-қувватлаётган оиласи меҳри-қўридандир.

Джиаведонининг айтишича, у ўз меҳнат фаолияти мобайнида бундай оғир аҳвога тушган «мижоз»ни умрида кўрмаган. Боланинг белидан бошлаб икки оёғи, елкасидан бошлаб икки қўли йўқ бўлишига қарамай сунъий оёқлар ёрдамида яхшигина ҳаракат қила олади.

Дэнни одатдаги мактаблардан бирига қатнайди. Синфдошлари ўртасида ҳурмати баланд. Ҳатто у бойскаутлар ташкилоти аъзоси ҳам.

— Кейинги пайтда у ўса бошлади, бу эса унинг сунъий оёқ-қўлларини йилига икки марта ўзгартиришга тўғри келаяпти, — дейди Джиаведони. — У ҳақиқатдан тез катта бўлаяпти. У ажойиб матонатли бола.

СУРАТДА: протез бўйича мутахассис Брайан Джиаведони матонатли Дэнни Осборннинг танасига янги оёқларни мослаштирмоқда.

«Всемирные новости»журналининг 4/5 сонидан таржима.

Ойнаи жаҳонда

28 август — 3 сентябрь

ДУШАНБА, 28

ЎзТВ I
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 **«Омилкор инсонлар».**
18.35 Футбол шарҳи.
18.50 **«Ўзбектелефильм» фестивали. «Учқудуқ: ислоҳотлар чорраҳасида». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Мустақиллик жамоли.
19.55 Эълонлар.
20.00 **«Шодиёна». Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.**
22.05 Бир жуфт қўшиқ.
22.15 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир. Саралаш мусобақалари.**
22.45 **Мустақиллик жамоли.**
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.20 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
19.40 «Деҳқон ҳиммати».
20.10 «Экология ва ҳаёт».
20.40 «Тошкентга саёҳат».
21.10 — 21.50 «Мунозара оқшоми».

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
28 августдан 13 октябргача Россия давлат телевидениеси кўрсатувларида техник сабабларга кўра танаффус эълон қилинган.
Айрим кўрсатувлар намойиш қилинадиган кун ва вақтидаги бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар шу билан изоҳланади.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.50
***
22.55 — 23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Парда». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Наврўз».
«ОМАД» таништиради:
21.20 **Мустақиллик жамоли.**
21.25 Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Салом, ёшлар!».
23.00 «Жаҳон географияси».
23.50 Эълонлар.
23.55 Видео — «О».
01.25 Эълонлар.
01.30 «Қўрьер».
01.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
02.00 — 02.10 «Постфактум».

КазТВ
6.50 «Олтин поезд». Бадиий фильм. 1-серия. 8.05 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 8.45 Концерт. 9.30 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
* * *
16.00 «Халифа Олтой». Телефильм. 16.20 «Гутен абенд!» Немис тахририяти кўрсатуви. 20.00 «Марказий сайлов комиссияси хабар қилади». 20.30 «Мавлуд». 20.55 «Сохибжамол». Телесериал. 25-серия. 21.45 Қозоқ қўйларидан концерт. 22.20 «Мурагер» фольклор ансамбли концерти.

СЕШАНБА, 29

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Боболар ёди». 1-қисм.**
8.35 **«Актёрлар ва роллар». Доно Бобохонова.**
9.50 Немис тили.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
11.00 Ўқитувчиларнинг август кенгашларида.
12.00 Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз шаҳар Маданият уйи мақомчилар ансамблининг концерти.
12.40 «Солик».
13.00 — 15.00 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Қоинот гули».
18.55 **«Ўзбектелефильм» фестивали. «Саҳна юлдузининг нурли шўъласи». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 **Мустақиллик жамоли.**
19. 5 Эълонлар.
20.00 **«Халқ денгиздир». Чўлпон лирикаси.**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.**
22.05 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнирнинг очилиши.**
22.50 **Мустақиллик жамоли.**
22.55 Эълонлар.
23.00 — 23.25 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 **Мустақиллик жамоли**
«Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.40
***
22.40 — 01.10

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Эллада».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ҳаракатда баракат».
20.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Манбалар».
21.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
22.10 «Шимолий Экспресс» телеклуби.
22.55 «Соккер-клуб».
23.40 «Би-Би-Си» янгиликлари.
23.50 — 00.10 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

КазТВ
6.50 «Олтин поезд». Бадиий фильм. 2-серия. 7.50 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 9.45 «Таможня». Бадиий фильм.
* * *
16.00 Шарҳлаб кўрсатиладиган фильм. 20.00 Ўқув йили бошланиши олдидан. 20.20 «Шахс». Ж. Ахметованинг муаллифлик кўрсатуви. 20.50 Бугун — Семипалатинск полигонидаги ядро синовлари қурбонлари хотираси куни. 21.20 «Биг-Бенд».

ЧОРШАНБА, 30

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Фарзандлар бурчи». 2-қисм.**
8.30 «Илҳом мавжлари».
8.50 «Тараққиёт».
9.20 Алифбо сабоқлари.
9.50 «Саховат».
10.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
10.40 «Ёшлар ва замон».
11.10 «Театр учрашувлари».
12.10 «Бола бошидан...»
12.50 — 14.50 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 **Мустақиллик жамоли.** Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.55 **«Ўзбектелефильм» фестивали: «Мовароуннаҳр». Премьера.**
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 **Мустақиллик жамоли.**
19.55 Эълонлар.
20.00 **Байрамингиз кўнгилли ўтсин».**
20.20 **Ўзбекистон ва жаҳон. «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.25 **Мустақиллик жамоли.**
21.30 Эълонлар.
21.35 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида.**
22.35 **«Ислоҳотимиз тамойиллари».**
23.05 **«Истиқлол наволари».**
23.35 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун Халқаро турнир.**
00.15 **Мустақиллик жамоли.**
00.20 Эълонлар.
00.25 — 00.50 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Дарсга қўнгироқ».
19.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Бумеранг».
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 «Рок-сеанс».
22.25 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.15
***
22.55 — 00.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Ҳамма учун».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Монитор-Осиё».
20.35 «Светлица польска».
21.15 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.25 «Бу ажиб дунё».
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.55—22.15 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

КазТВ
6.05 Мультфильм. 6.25 «Хабар». Ахборот кўрсатуви. 7.05 «Алқисса». 7.10 «Алпомиш мактабга боради». Бадиий фильм. 8.20 «Келин». Телефильм. 10.00 «Сиҳат-саломатлик». 10.30 Телекўргазма. «Абай ўтовлари». 12.00 Алмати ва вилоят янгиликлари. 13.00 «Хавфли рейс». Бадиий фильм. 14.15 Л. Бетховен. 3-симфония. 15.45 «Оқ туба металлургилари». 16.15 Концерт. 17.00 Пекинда ўтадиган хотин-қизларнинг умумжаҳон конференцияси олдидан. 17.40 «Гутен абенд!». Немис тахририяти кўрсатуви. 18.15 «Имкон». Ёшлар учун кўрсатув. 20.00 «Абай тўйи — инсоният тўйи». 20.30 «Қўрьер». Харбий-спорт кўрсатуви. 21.00 Футбол. Козогистон Республикаси — Қирғизистон олимпия терма командалари. 22.20 «Жин ургур, 13!». Хит-парад.

ПАЙШАНБА, 31

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 **Мустақиллик жамоли.**
8.05 **Бобур изидан. «Табаррук қадамжолар». 3-қисм.**
8.30 **«Юрт ҳақида қўшиқ».**
9.10 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Ўзбекистон: мустақиллик одимлари».**
10.05 Болалар учун. «Орзуларим бир дунё».
10.30 **Мустақиллик жамоли.** «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
11.50 «Қўшиғимдасан, Ватан». Адабий-мусиқий композиция.
12.30 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Юртимда истиқлол руҳи». Премьера. 1-фильм.**
13.00 **«Миллатнинг дардига дармон бўл».**
13.20 **Мустақиллик жамоли.** Мусиқий дақиқалар.
13.30 «Болалар — гуллолалар».
13.50 **«Кирол шер». Мультфильм.**
15.20 **«Пойтахтимиз — кўркимиз».**
15.40 **«Юрт ишқида ёнаман». Киноконцерт.**
16.00 **«Мен озодлика интилдим».**
16.30 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Фавворалар». Премьера.**
16.40 **«Ким топди?».**
17.40 **«Ўзбекистон — ўз уйимиз».**
18.05 **«Ўзбекистон — ўз уйимиз».**
18.35 **«Юзма-юз».**
18.55 **Мустақиллик жамоли.**
19.00 «Ахборот» (рус тилида).
19.25 **Мустақиллик жамоли.**
19.30 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.**
22.00 «Ахборот».
22.30 **Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро турнир.**
23.10 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.**

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 **Мустақиллик жамоли.**
18.35 «Кўнгил».
18.45 **Мустақиллик жамоли.**
18.50 «Даракчи». Байрам сони.
19.10 Байрам концерти.
19.25 **Мустақиллик жамоли.**
19.30 **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.**
22.00 **Мустақиллик жамоли.**
22.05 «Қўрьер». Байрам сони.
22.25 Эълонлар.
22.30— 23.00 «Муҳаббатга ошно қалблар».

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.40
***
22.55 — 01.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 **Мустақиллик жамоли.**
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ҳайр, ёз!»
20.20 Теннис. Турнир жилолари. Кўрсатувни А. Метревели олиб боради.

«ОМАД» таништиради:
20.40 **Мустақиллик жамоли.**
20.45 Эълонлар.
20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.40 — 00.40 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

КазТВ
6.50 «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида қисса». Бадиий фильм. 9.10 «Сўзга чечан Суюнбой». Телефильм. 9.35 «Мис фаришта». Бадиий фильм.
* * *
16.00 «Ота-она қайғуси». Қозоқ тилидаги мактабларнинг муаммолари ҳақида. 20.00 Янги ўқув йили бошланиши олдидан. 20.20 «Сохибжамол». Телесериал. 26-серия. 21.10 Она заминдаги халқ қаҳрамонлари. 21.35 Концерт.

жума 1

**1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 7.00 дан 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.40 гача ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 4 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ БАЙРАМ КЎРСАТУВЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛИШ

• Инсон ва қонун

МАҚСАДИМИЗ – ҚОНУН ҚАЛЪАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республика Олий Мажлиси сессиясида сўзлаган маърузасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ўтган даврда амалга оширган ишларига баҳо бериб, айни вақтда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш хусусида танқидий фикрларни ҳам айтган эди.

Республика Бош прокурори ўринбосари, 3- даражали давлат адлия маслаҳатчиси Рашид Қодировдан прокуратура органларининг бу борада амалга ошираётган ишлари тўғрисида сўзлаб беришини сўрадик.

— Яқинда прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлашдаги ҳиссаси хусусидаги ишларига якун ясадик,-деди Р. Қодиров.-Асосан, жорий йилнинг ўтган ярмида амалга оширган ишларимизга танқидий-таҳлилий баҳо бердик. Бугунги ва эртанги кундаги муҳим вазифаларимизни белгилаб олдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, олдинда турган вазифалар йўналишни белгилашда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида баён этилган фикрларга таяндик. Ҳайъат мажлисига ушбу асарнинг моҳияти, мазмуни ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни теран ўрганиш тўғрисидаги масалани киритдик. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги вазифалар ва устивор йўналишлар ёрқин акс эттирилган бу китоб биз — прокуратура ходимлари учун ҳам том маънодаги услуб қўлланма ва дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчилик ва қонунбузарликнинг бугунги аҳволи хусусида фикр юритар эканмиз, таъбир жоиз бўлса, эришган муваффақиятларимизни тўғри тасаввур қилиш учун бироз орқага — яқин ўтмишга назар солиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, маъмурий-буйруқбозликка асосланган сиртдан қараганда жипс, аҳл, масъулият ва интизом билан иш юритилаётгандек кўринган, аслида эса, сўз билан иш бирлиги таъминланмаган совет тузуми даврининг сўнгги ўн йилликларида давлат қонунларига беҳурматлик кайфияти кучайган, унинг таъсирчанлиги пасайиб кетган эди. Бошқача айтганда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнларни боғлаб турган деярли барча ҳалқалар ўзилиб кетганлиги, бу эса иқтисодий ва маънавий бўҳрон юзага келтиргани оқибатида жиноятларнинг кўпайишига шароит туғилган эди.

Жонажон республикамиз мустақил давлат мақомига эга бўлиши билан бу вазият ижобий томонга, қараб ўзгара бошлади. Мана, тўрт йилдирки, Президентимизнинг теран ўйлаб, вазминлик билан иш кўриш натижасида юртимизда барқарорлик, осойишталик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий юксалиш вазияти мустаҳкамланиб келмоқда.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларида республика ҳукумати ҳуқуқ соҳасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш йўлида қандай самарали чора-тадбирлар кўллади?

— Аёнки, биринчи навбатда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқий жамият сари интилиш тамойиллари ўртага ташланди. Мамлакатда бошбошдоқликнинг олдини олиш, фуқаролар тотувлигини асраб-авайлаш, ҳуқуқ соҳаси ва иқтисодиётни мутаносиб равишда ислоҳ қилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларнинг ваколат доирасини янги шароитга мослаштиришга киришилди. Асосий диққат тараққиётимизга тўсиқ бўлиб турган маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндошуруғчилик, мансабни суъистеъмол қилиш, тўрачилик ва порахўрлик каби иллатларни бартараф этишга қаратилди. Айни пайтда жиноятчиликнинг уюшган турлари, бузғунчилик, сиёсий чайқовчилик тоифасидаги ўта хавфли, ғайриконституциявий ҳаракатларга, иқтисодиётимиз зараркунандаларига, фирибгарларга, шунингдек, лоқайдликка, хўжасизликка нисбатан ўт очилди. Нафс бандалари бўлган кимсалар қонун олдида жавоб бердилар. Босқинчилик, талончилик, товламачилик, рэкет каби «ҳаром касб» эгалари жиловлана бошлади. Ички бозор, ташқи иқтисодий муносабатлар, молия, солиқ ва божхоналар фаолияти устидан назорат тобора кучайтириляпти. Ўқотар қуроллар билан жиноят содир этиш, ёшлар ўртасида жиноятчилик, мастлик, бангилик каби иллатларга қарши кескин чоралар кўрилмоқда.

Натижада республика бўйича 1991-1992 йиллардан бошлаб жиноятчиликнинг ўсиши тўхатилди. 1993 йилдан эътиборан жиноятчилик кескин камая бошлади. Эсингизда бўлса, ўша йили Самарқанд вилоятида одамларни қон қақшатган ака-ука Аҳадовлар атрофида жипслашган 35 кишилик жиноий тўда тугатилди. Андижонда Қодиров, Умиев раҳбарлигидаги босқинчи-товламачилар гуруҳи, Тошкент вилоятида 26 та бандитни бошқарган Ниёзқуловларнинг газандалик уяси зарарсизлантирилди. Тошкент нефть маҳсулотларини тушириш, ортиш ва тақсимлаш корхонасидаги жиноий гуруҳ фош этилиб, миллиардлаб сўмлик зарар ундирилди. Тошкент шаҳрида Бўриев тузган жиноий тўда жиловланди. Динни ниқоб қилиб олгану, ўй-фикри ҳаромхўрлик ва сиёсий чайқовчиликдан ортмаган бир қанча ғаламислар фош этилди. Минглаб машина ўғриларининг йўли боғланди. Андижонда У. Мамадалиев ва У. Ўринбоев гуруҳларининг жиноий фаолиятига чек қўйилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда ҳам қутурган жиноятчи тўдалар ҳибсга олинди. Корхоналардаги ташмачилар тўдалари, наркотик модда «ишқибоз»лари қонун асосида жазолана бошлади. Эл-юрт мулкини четга ташиб фойда кўрувчилар фош этиляпти. Идоралар, ташкилот, хўжаликларда, аҳоли ўртасида қонунга беҳурматлик қилганлар билан муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Хуллас, амалга оширилган ишлар самара бера бошлади. Юқорида таъкидлаганимиздек, республикада 1993 йилга келиб жиноятчилик кескин пасайишига эришилган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони янада камайтирилди. 1995 йилнинг биринчи ярмида эса жиноятчилик 8,5 фоизга қисқарди. Ана шундай залворли ютуқларга эришишда прокуратурамиз ходимларининг ҳам ҳиссаси борлигидан, астойдил қилинган саъй-ҳаракатларимиз самара бериб, истиқлолимизнинг 4 йиллик муборак тўйини жамоамиз ёруғ юз билан кутиб олаётганидан мамнунман.

— Рашид ака, маълумки. мамлакатнинг пойдеворимустаҳкам иқтисодиётдир. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун эса, бу ишда бошбошдоқликка йўл қўймаслик, ҳуқуқий асосни, мунтазам тафтиш ва назоратни тўғри йўналтириб бориш керак. Шундай эмасми?

- Тўғри. Бугун прокуратура органлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда ана шу борада самарали фаолият кўрсатяпти. Нопоклик ҳаракатлар аниқланиб, тегишли жазога тортилмоқда. Мисол учун. Бухоро газ саноати техникуми талабалар қабул комиссияси масъул котиблигига тайинланган Бозоров деган шахс пора олаётганида жиноий шериклари билан бирга қўлга олинди. Ёки, Тошкент Техника дорилфунуни Навоий филиали собиқ кафедра мудири Э. Ҳусанов 1500 сўм пора олган пайтда ушланди, ҳаромтомоқларга суд томонидан қилмишига яраша жазо тайинланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йилликда халқ хўжалигида қилинган ишлар якуни муҳокама этилган мажлисда Президентимиз 1995 йил давлат бюджетини тўлиқ бажариш ва Республикада молиявий барқарорликни таъминлаш энг долзарб вазифа эканини қайта-қайта таъкидлади. Маълумки, бу масалада солиқ хизматининг аҳамияти катта. Афсуски, бу соҳа ходимларининг айримлари ўз вазифаларини суъистеъмол қилгани учун қўлга тушиб, қонун олдида жавобгар бўлаётган ҳоллар ҳам учраяпти... Мисолларга ўтайлик:

Чилонзордаги «Отчопар» савдо расталарига оралаб юрган Тошкент шаҳар Солиқ бошқармаси ходимларидан бири қонунбузар тижоратчини ушлагач, унга нисбатан чора кўриш ўрнига 500 АҚШ доллари миқдорида ўз чўнтаги учун «жарима» солган. Бухоро аэропортидаги божхона постининг бошлиги О. Ҳатамов эса Москва шаҳрига бир қанча тери пўстинни орқалаб йўлга тушган фуқарога қонуний чора кўрмаган. Бильакс, унга «холис хизмат кўрсатиш»га киришган.

Пўстинфурушдан 14 минг сўм ва 150 АҚШ долларини олган пайтда қўлга тушди. Сурхондарёнинг Шеробод туманида бираваракайига иккита «солиқчи» ушланди. Улар қонуний равишда дори-дармонларни пуллаб юрган аёлга: «5000 сўм чўз, бўлмаса ўзинг қамаласан. Молинг мусодара қилинади» деб таъмагирлик қилишган экан.

Бундан ташқари, хизмат вазифасини суъистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Масалан, Ҳ. Исматова Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги уй-жойларни аҳолига тақсимлаш ва сотиш бўйича «Фароис» фирмасининг А. Икрамов туманидаги вакили бўлиб ишлаб келган ва ўз хизмат мансабидан фойдаланиб, шу фирма инспектори Д. Муҳаммедова ва М. Ҳошимов билан олдиндан жиноий тил бириктирган. Нафси ҳакалак отган бу кимсалар фуқаро У. Саидалиевадан 100 минг сўм пулни пора сифатида олган. Суд мазкур ишни атрофлича таҳлил қилиб, порахўрларга тегишли жазо белгилади.

— Прокуратуранинг ички ишлар органлари ва бошқа тезкор тармоқлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Прокуратура ички ишлар, миллий ҳавфсизлик хизмати органлари билан биргаликда жиноятчиликни олдини олиш борасида бир мунча ишларни амалга оширмоқда. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида узоқ йиллар очилмасдан қолган оғир жиноятлар фош этиляпти. Масалан, 1988 йилда номаълум шахслар томонидан Хоразмда отиб ўлдирилган Ш. Машариповнинг қотиллари «изларни қор босди» деб юрганда, тергов изқуварлари уларни қўлга олди. Бу жиноий гуруҳ аъзолари устидан суд ҳукми чиқди.

Айни пайтда уюшган жиноятчиликка қарши ҳамкорликдаги кураш янада жипслик касб этмоқда. Яқинда Д. Цой деган босқичи бошқарган 7 кишилик жиноий тўданинг фош этилиши фикримиз далилидир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ва қонунбузарликларнинг томирини қирқишга қаратилган ҳаракатлар осон кечаётгани йўқ. Жиноятчилар ҳам жони борича қаршилиқ кўрсатмоқда. Мисол учун. Наманганда М. Расулов, А. Акрамов деган жиноятчилар милиция майори К. Абдуллаев ва унинг онасини отиб ўлдириб, яширинган эдилар. Улар қўлга олиниб, жиноий қилмишлари фош этилди.

Республикада қонун қалъаси мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида яна бир қанча истиқболли чора-тадбирларни амалга ошираяпмизки, бу саъй-ҳаракатларимиз жамият хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқий давлат қуришдек юксак ҳамда масъулиятли вазифани бажаришда қўл келиши шубҳасиз. Қонуннинг адолатли тиғи, ҳатто қонун посбонлари доирасига тасодифан аралашиб қолган айрим порахўр, муттаҳам, давлат берган ишонч, ваколат, мундирни бўлғаётган нопок «ҳамкасб»ларимизга ҳам беаёв санчиляпти. Аммо бу доғ фидоийлардан таркиб топган сафларимизга соя солмаслиги керак, албатта.

Хуллас, прокуратура қонун муҳофазасида посбон идоралар, юртим деб, элим деб ёниб яшаётган фуқаролар билан ҳамнафас ҳолда мустақилликни мустаҳкамлаш, қонун устиворлигини таъминлаш йўлида курашни давом эттирмоқда. Зотан, бизнинг мақсадимиз ҳам битта: қонун қалъасини мустаҳкамлаш орқали бунёдкор халқимиз ишончини оқлашдан иборатдир.

• Анъана

— Ким ютаркин?... С. Маҳкамов сурат-лавҳаси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚОНУНЧИЛИГИ

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ КИШИЛАР УЧУН ...

ХАР ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТДА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШНИНГ ЗАРУР ШАРТИ - БУ УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ БИЛИШДИР. ХЎШ, ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚИДИРИШ НЕГА ШУНЧАЛИК МУРАККАБ?

ХАР ҲАФТАДА ОЛИЙ ДАВЛАТ ХОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН БИР НЕЧА ЎНЛАБ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА. ҲУЖЖАТЛАР МАТНЛАРИНИ ЧОП ЭТУВЧИ НАШРЛАР ДОИРАСИНИНГ ЧЕКЛАНГАНЛИГИ ВА УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ОЛОЛМАСЛИК - МЕЪЁРИЙ АХБОРОТНИ ТЎПЛАШ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КУЗАТИБ БОРИШ БИР ТАШКИЛОТ ДОИРАСИДА ЖИДДИЙ МУАММОГА АЙЛАНИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ.

БИЗ СИЗЛАРГА БУ МУАММОНИ ХАЛ ЭТИШИНГИЗДА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИМИЗ.

БИЗ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА НОДИР АХБОРОТ БАЗАСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. 20000 ДАН ОРТИҚ САҲИФАДА ФАРМОНЛАР, ҚАРОРЛАР, ХАТЛАР, ҚОИДАЛАР, ЙЎРИҚНОМАЛАР ВА МУЛКЧИЛИКНИНГ БАРЧА ШАКЛИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТУРЛИЧА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ВА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ МАТНЛАРИ ЎРИН ОЛГАН.

ХОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ БИЛАН ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҚАЛАР ТУФАЙЛИ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЖАМЛАНМАСИ ҲАР 10 КУНДА ТЎЛИБ БОРАДИ.

БИР ЗУМДАГИ ҚИДИРУВ, ҲАР ҚАНДАЙ ПРИНТЕРДА ЧОП ЭТИШ, ҲУҚУҚШУНОСЛАРНИНГ ШАРҲЛАРИ, РЕТРОСПЕКТИВА - **АМАЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ВОСИТАЛАРИДИР.**

ҚЎШИМЧА АХБОРОТЛАРНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ЭТИНГ:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, НУКУС КУЧАСИ, 73 Б
ТЕЛЕФОН: 3712 548847, ФАКС: 3712 547718
E-MAIL: PRAVO@ABC.TASHKEI.IT.SU

"АВИАБРОК-КОНСАУД" ФИРМАСИ

ПРАВО
ЮРИДИК АХБОРОТ ТИЗИМИ

ТАШКИЛОТ МАЙДА ВА ЙИРИК УЛГУРЖИСИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

шарикли ручкалар,
фломастерлар,
стерженлар,
(ҳужжатлар йиғиб қўйиладиган папкалар),
скорошивателлар,
канцелярия елими,
паронит (прокладка материали),
фрикцион накладкалар,
тормоз колодкалари,
асбестли тахталар, арқон ва кукунлар.
Паррандалар ва ҳайвонларни семиртирувчи «Примикс» қўшимча озиқлантирувчи етказиб бериш юзасидан шартномаларни тузади.
Ҳақ тўлаш — исталган шаклда.

Телефонлар: (3712) 33-41-47, 36-77-48.

• Ажаб савдолар

НАРИГИ ДУНЁГА БУЮРТМА

Волгоград вилоятининг Волжск шаҳридаги қабристон маъмурияти тирикларга қабр учун кафолатланган ер сотмоқда. 5 квадрат метр қабрнинг баҳоси 1 миллион рубл (240 АҚШ доллари) этиб белгиланган. Энг қизиғи, қабристондан ер сотиб олган кишига 20 йил кафолат берилади. Агар шу муддат ичида оламдан ўтмаса, берган пулига куйиб қоларади — қабрни бошқаси эгаллаб олади.

Волга бўйидаги ушбу порт шаҳар аҳолиси учун нариги дунёга бориш ҳам қимматга тушади, шекилли.

ЎТКИНЧИ ЖАБР ЧЕКДИ, ХОЛОС

Молдовалик К. Валентин хотинидан ажраганидан сўнг, суд собиқ рафиқаси фойдасига ажрим қилган уйни портлатиб юборди. Мол- мулкни бўлиш чоғида суд эрга машинани, хотинга эса уйни бериш ҳақида ҳукм қилган эди. Ҳукмдан норози Валентин бўкиб ароқ ичгач, ошхонадаги газ баллони очқичини бураб, гугурт чақиб юборди. Хотини эса бу пайтда уйдан қочиб чиқишга улгурди. Уй ерпарчин бўлди. Вайроналар орасидан «шўрлик» эрни тортиб олишганида у деярли соппасоғ эди. Фақат қўчадан ўтиб кетаётган ўткинчига қийин бўлди. Кучли портлашдан қулаган девор унинг оёғини синдирди.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

— Менинг ёш қизчам бир жинойи иш бўйича жабрланувчи бўлиб қолди. Шу сабабли айтинг-чи, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

М. МАТКАРИМОВА,
Андижон вилояти

— Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54- ва 55-моддаларида Сизнинг саволларингизга қўйидаги жавоблар берилган.

Қонуннинг 54- моддасида жиноят, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади. Жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Жабрланувчи вояга етмаган ёки белгиланган тартибда муомилага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахс бўлса, ишда у билан биргаликда ёки унинг ўрнига қонуний вакили иштирок этади, деб кўрсатилган.

Жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса қонуннинг 55-моддасида берилган.

Жабрланувчи: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстация ва кассация инстацияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

* * *

— Мени яқинда ИИБ ходимлари жиноят содир этганликда гумон қилиб ҳибсга олдилар. Айтинг-чи, бундай ҳолатда менинг қонун билан ҳимояланган қандай ҳуқуқларим бор?

А. СИДИҚОВ,
Тошкент шаҳри.

— Аввало, шуни айтиш жоизки, ички ишлар ходимлари сизни бирон бир жиноят содир қилган деб топган тақдирда ҳам улар сизни ҳибсга, яъни, қамоққа олмайдилар, улар Сизни вақтинча ушлашади, холос.

Қамоққа олиш ёки олмасликни прокурор ҳал қилади.

Узбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 48-моддасида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тубандагича ёритиб берилган.

Гумон қилувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиши: ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатмалар бериш; ўз она тилида ва таржимон хизматидан фойдаланиш; у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор ёки ушланганлиги тўғрисидаги баённома унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячи олиш ва сўроқ тугагандан сўнг у билан ҳоли учрашиш; ҳуқуқларни ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашда далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текширув учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлиқ қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиш шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирон ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги кўрсатилган. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан сиз ҳам тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз.

Муштарийларнинг саволларига ҳуқуқшунослар А. МАМАДАЛИЕВ ва М. ТОШТЕМИРОВлар жавоб беришди.

02 Хабар қилади

ЧАП БЕРОЛМАДИ

Ўзбекистонни турли хорижий мамлакатлар билан боғловчи Тошкент «Шимолий» вокзали, айниқса, шу кунларда гавжумлашиб кетган. Келиб-кетувчиларнинг орасида ҳар ҳил тоифадаги йўловчилар учрайди. Уларнинг орасида, айниқса, наркотик моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланиб, жиноий йўл билан мўмай даромад ортиришга муккасидан кетганлари ҳам йўқ эмас. Яқинда транспорт милицияси ходимлари ана шундай олғирларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйишди. «Тошкент — Москва» йўналишида қатновчи 5-тезюрар поездга йўловчилар чиқарилаётганда самаралик фуқаро сергак осойишталик посбонларининг эътиборини тортди. Унинг юклари текширишдан ўтказилганда Кореяда ишлаб чиқарилган «Кареско» магнитафонининг ичидан бир килограмм наркотик модда чиқди. Ҳеч қаерда ишламай текин даромад ортиш йўли билан бирданига бойишга берилган самаралик меҳмон Димитрий Эйдельштейн учун бу сафар қимматга тушди. У хамирдан қил сугургандек енгил ўз жиноий ишларини амалга оширмоқчи, Қирғизистоннинг Ош шаҳридан 850 АҚШ долларига сотиб олган маҳсулотини Россияга олиб бориб, бир неча баробар қимматга сотмоқчи бўлган эди. Пулнинг чўғига берилиб кетганлигидан олдинги аччиқ қисматини ҳам унутиб қўйди. Аввал судланганлигидан тўғри хулоса чиқариб яшаш ўрнига яна жиноят оламига кирди. Аммо қингир ишнинг қийиғи чиқди. «Оқ-ажал» моддаси ўз хизматига содиқ милиция ходимларини четлаб ўта олмади. Бу билан қанчадан қанча кишиларнинг ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган қабоҳат, разолатнинг йўли қирқилди.

Яқинда Тошкент шаҳар Миробод туман халқ суди Козим Комилов раислигида ушбу жиноий ишни кўриб чиқиб, яқин хорижлик меҳмон Дмитрий Эйдельштейни 9 йил озодликдан маҳрум этди.

Ҳасан НОСИРХЎЖАЕВ,
Тошкент шаҳар Миробод туман халқ суди катта ижрочиси.

• Спорт

ТАНТАНАЛАР «ЮНУСОБОД» ДА БОШЛАНАДИ

Бугун Тошкентда «Президент кубоги» учун халқаро теннис мусобақаси байроғи кўтарилади

Юртимизда теннисниг ривожланиб бораётгани хорижий юртларда ҳам зўр иштиёқ билан кузатишмоқда. Аввалари Тошкент ва Самарқандда йирик мусобақалар ташкил этиш имконияти бўлган бўлса, ҳозир фарғоналиклар ўзларининг кичик тўп ўйнашга мўлжалланган ажиб масканлари билан фахрланадилар. Айни пайтда Наманган ва Андижонда ҳам бу борада бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бухоро, Хоразм ва Қарши шаҳарларида теннис саройлари қуриш мўлжалланяпти. Маълумки, бу йил «Президент кубоги» учун мусобақага тайёргарликнинг муҳим босқичларидан саналган «Буюк ипак йўли» халқаро мусобақасининг Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида уюштирилгани ҳам юртимизда теннисниг қанот ёзаётганидан, унга қизиқувчилар сафи кенгаётганидан нишонадир. Келаси йили эса баҳорда Наманган ва Андижонда халқаро мусобақалар ташкил этиш мўлжалланган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қизғиш қопламали майдонга йўл олган ҳар бир инсон ўзининг сиҳатлиги ҳақида қайгуриши билан бирга жаҳон халқлари учун мос келадиган маданият эгаси бўлишга ҳам интилаётганини намойиш этади. Ўзбекистонда теннисга катта эътибор қилиинаётганининг боиси ҳам шундандир. Чунки буюк тараққиёт йўлини тутган Ўзбекистон халқи келажакда барча соҳадаги ютуқлари қатори теннис бобидаги довруғи билан ҳам фахрланишини истаймиз.

Иккинчи марта ўтказилаётган халқаро мусобақага ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилган. Хусусан, тантанали очилиш маросимини ўзига хос байрамга айланиши, теннисчиларнинг ўзаро баҳслари учун қулай шароитлар яратилиши, меҳмону спортчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишларга ҳозирлик бор. «Юнусобод» теннис саройида бошланадиган бугунги тантаналар мустақиллик майдонида ўтказиладиган Ўлуғ байрам қувончларига уйғунлашиб кетади. Ўйлаймизки, жаҳоннинг 20 мамлакатидан ташриф буюрган 50 дан зиёд кучли теннисчилар Истиқлол байрами тантаналаридан ҳам баҳраманд бўладилар. Чунки Мустақиллик байрамидан кейин, 2 сентябрь куни Тошкентда илк марта ташкил этилган Марказий Осиё спорт ўйинларининг очилиш маросими бўлади.

Бош соврин ва голибларга мўлжалланган мукофотлар учун бу сафар кимлар курашади деган саволнинг тугилиши тибиий. Шуни айтиш керакки, бу сафар меҳмон бўлиб келган теннисчиларнинг мақомлари аввалгисидан анча баланд. Мухлислар яхши биладиларки, ўтган йили америкалик Чан Адамс бош совринни қўлга киритган эди. Бу гал у АҚШда ўтказилаётган мусобақада иштирок этаётгани сабабли Тошкентга келолмайдиган бўлди. Адамс ўшанда мусобақа иштирокчилари рўйхатини бошқарган бўлса-да, халқаро миқёсда 85-ўринни эгаллаб турарди. Ҳозир эса испаниялик Хорд Аррес 57-ўрин билан рўйхат бошида турибди. Шунингдек, кучли теннисчилардан швед Магнус Густафссон, россиялик Андрей Черкасов, Украинадан Дмитрий Поляков, Германиядан Сарл-Иве Стиблар ҳам баҳслашишга шай бўлиб турибди.

Мусобақада республикамиз шарафини таниқли теннисчилардан Олег Огородов билан Дмитрий Томашевич ҳимоя қиладилар. Ҳар иккисининг ҳам ўтган йилдан бери халқаро мақомлари кўтарилган. Хусусан, Олег 500-ўриндан 193-ўринга кўтарилган бўлса, Дмитрий 944-ўриндан 378-ўринга чиққан. Шунингдек, умидли теннисчилардан Темур Ғаниев, Вадим Куценко ва Темур Хонхўжаевлар учун халқаро мусобақа маҳорат мактабига айланади. Ўйлаймизки, совриндорлик баҳси юртимиз довруғини оламга таралишида муҳим аҳамият касб этади.

М. МИРАБЗАЛОВ,
«Адолат»нинг спорт шарҳловчиси.

• Спорт

ARDONA firmasi

АУДИТ — ҲУҚУҚИЙ ФИРМАСИ

хусусий шахслар, корхоналарга бухгалтерлик ҳисоботини тиклаш, аудиторлик ва ҳуқуқий хизмат кўрсатади.

Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиб беради.

Хизмат энг қулай нархларда ва қисқа муддатларда амалга оширилади, сифати тўла кафолатланади.

Қуйидаги телефон рақамларига қўнғироқ қилинг: (3712) 77-96-97. Иш вақтида 21-07-96. Сизга қулай ва маъқул вақтларда.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, «Ц» мавзеси, Волгаград кўчаси, «Узгипросельстрой» институти, 5-қават, 121-хона.

АДОЛАТ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Тўхтамурод ТОШЕВ

Бизнинг манзил: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси — 32. Қабулхона – 33-41-89, 32-55-70

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Газета офсет усулида, А – 2 форматда чоп этилди.

Буюртма Г. — 0378. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

123456